

O'zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog'ot tumani
HOKIMI
QARORI



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 479

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

2018 йилда намунавий лойиҳа асосида
Ашхабод маҳалласида қуриб
битказилган Машарипов Умрбек
Йўлдошовичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Оқ олтин” маҳалласида яшовчи фуқаро Машарипов Умрбек Йўлдошовичнинг 2018 йилда намунавий лойиҳа асосида “Ашхабод” маҳалласида қуриб битказилган турар жой биносига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 23 январдаги ХО-М-214-сонли аризасини, “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалининг қабул қилиш топшириш бўйича имзоланган № 9-сонли авизосини ҳамда Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот филиалининг 2020 йил 22 январдаги № 279-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,10,25-моддаларига, “Уй-жой кодекси”нинг 22-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги № 16-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,


ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. 2018 йилда намунавий лойиҳа асосида “Ашхабод” маҳалласида қуриб битказилган 2 (икки) қаватли, жами 9 (тўққиз) та хонадан иборат бўлиб, 4 (тўрт) та хонаси яшаш хона, ички ўлчамлари 71,33 квадрат метр, қолган 5 (беш)та хонаси ёрдамчи хона, ички ўлчамлари 58,36 квадрат метр, жами ички ўлчамлари 129,69 квадрат метр, қурилиш ости майдони 85,5 квадрат метр, умумий ер майдони 400,0 квадрат метрдан иборат ушбу турар жой Машарипов Умрбек Йўлдошовичга нисбатан эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Машарипов Умрбек Йўлдошовичга турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев